

Normal 0 false false false RU X-NONE X-NONE

### ***Меҳрибон ва раҳми Аллох номи ила***

#### **Чиройли туш**

Эрта тонгда саййидимиз Юсуф (алайхиссалом) уйкудан уйгонганидан кейин отаси саййидимиз Яъкуб (алайхиссалом)нинг олдида тушида нима кўрганини айтиб бериш учун келди: **«Эй отажоним, мен ўн битта юлдузни, хам куёш ва ойни кўрдим, уларнинг менга сажда килаётганларини кўрдим»** . Отаси унга жавоб берди: «Эй ўғлим, бу хушxabардир. Лекин бу киссани акаларингга зинхор айтмагин, сен биласанки, улар сени ака ўз укасини яхши кўриши керак бўлганидек яхши кўрмайдилар (яъни ака-укалар бир-бирларини яхши кўриб, ўзаро меҳр-мурувватда бўлишлари ВОЖИБ бўлиб, Юсуф (алайхиссалом)нинг акалари у зотни ҳеч яхши кўрмас эдилар). Агар сен уларга кўрган тушингни айтсанг, сени (яна хам) ёмон кўриб коладилар ва сенга нисбатан бўлган ёмонликлари, хасадлари янада ортиб боради. Албатта, шайтон – Аллох уни лаънатласин – акаларингни сенга бўлган душманликларини зиёда қилишга кўмаклашмаган холда ташлаб қўймайди.

## Акаларнинг хасади

Юсуфнинг онаси битта бўлган Бинямин исмли укаси бор эди. Отаси уни ҳам Юсуфни яхши кўргани каби яхши кўрарди. Бошка акалар эса бу мухаббатга ака-укалик муносабати билан эътибор бериб қарадилар. Бир-бирларига шундай дедилар: *«Кўрмайсизларми, Юсуф ва укаси отамизга биздан кўра суюклироқ экан»*.

Сўнгра суюкли Юсуфни ўлдиришга келишиб олдилар. Лекин уларнинг катталари ва ақллироги уни ўлдиришга рози бўлмади, у деди:

**«Юсуфни ўлдирманглар»**

Уни кудукка ташланглар, уни шу йўлдаги бирор ўтаётган киши олиб кетади. Бу Юсуфдан кутулишнинг охири ечимидир, биз эса отамизнинг олдига бориб, Юсуфни олишимиз керак. Улар оталарига хийла қилган холда шундай дедилар: «

**Эртага уни биз билан юбор, еб-ичиб, ўйнаб келадир»**

. Оталари тараддудланиш ва эҳтиёткорликдан кейин уни юборди. Яъни Яъқуб (алайхиссалом) аслида акалари бирор ёмонлик етказишидан каттик хавфсирагандилар, лекин акаларининг хийласига алданиб Юсуф (алайхиссалом)ни улар билан бирга юбордилар.

## Арзимас пулга сотилган кул

Кечкурун Юсуфнинг акалари оталарининг олдига йиглаб келдилар, унга ёлгон гапириб шундай дедилар: «Эй ота, биз гафлатда қолибмиз, биз ўйнаётган эдик, уни бўри еб қўйди. Ота эса шундай деди:

**«Йўк! Сизга хавои нафсингиз бирор ишни зийнатлаб кўрсатибди. Энди чиройли сабр (дан бошка чорам йўк)»**

. Тижоратчилар кудукнинг олдидан ўтиб қолдилар, улар сув олиш учун челақларини

туширганларида Юсуф унинг ичига тушиб олди, челак кўтарган киши эса бакирди: (каранглар) «Мана бу кул!» Сўнгра уни чиқариб олдилар ва ўзлари билан бирга Мисрга олиб кетдилар. У ерда бу кулни Подшоҳ касрига сотиб юбордилар, ўша ерда уни арзимас пулга сотиб юбордилар. Уни Миср азизи сотиб олганди, у хотинига шундай деди: «Мана бу кулни сенга бераман, шояд, катта бўлганида бизга фойдаси тегиб колар ёки уни ўзимизга ўгил килиб олармиз. Лекин касрда Юсуфга нималар бўлди? Юсуф (алайхиссалом) касрда қандай ходисаларни бошдан кечирди?».

### **Маликанинг уни йўлдан уриши**

Юсуф кудук ва олди-сотдидан (сотилишдан) кутулганидан кейин янги имтихонга кадам кўйди. Юсуф чиройли эди, уни вазирнинг хотини кўриб чиройидан ажабланганди, уни ёктириб колган ва унга эътибор қаратганди-ю, лекин Юсуф унга карамади, киё бокмади. Шундан унинг мухаббати янада зиёда бўлди, унинг нафси фахш ва зино килишга ундади. Юсуфни бу ишни килишга чакиришга ҳаракат килди. Юсуф бош тортди ва деди: *«Бу ишни килишимдан Аллоҳ асрасин, албатта, Аллоҳ бизни кўриб турибди, У бизларни мана бу ҳаром ишдан узоклашишга буюрган»*. (Аёл) У билан бахслашди, Юсуфдан хафа бўлди. Юсуф у ишни килмай, қочишга шошилди, аёл унинг қийимидан ушлаб қолиб бир тарафини йиртди, уни хожаси кўриб колди, аёл ёлгон ишлатишга уриниб ёлғонида туриб олди. Юсуфга зино билан тухмат килди, яъни Юсуф мени зино килишга мажбурлади, деб тухмат килди ва подшоҳдан уни қамаб қўйишини талаб килди.

### **Сир фош бўлади**

Малика ва кул мухаббати ходисаси, яъни малика ва Юсуф (алайхиссалом) воқеаси бутун шаҳар аёллари орасида ёйилди. Малика бир нечта аёлни ўз уйига чакирди, уларнинг олдиларига таом ва мевалар кўйиб, ҳар бирларига пичок берди. Юсуфга эса уларнинг олдиларига чиқишни буюрди. Шу пайт улар «...кўлларини кесдилар. Ва: «Ё пок Парвардигоро! Бу башар эмас! Бу карамли фариштанинг ўзи-ку!» дейишди»

Шунда малика голибона оҳангда шундай деди: «Бу ўша сизлар гап-сўз қилаётган Юсуф бўлади, у сизларни ҳам ўз чиройи ила сеҳрлади-ку! Унинг чиройи кучлилигидан бир лаҳза тўхтаб лол қолдингиз. Кўлларингизни кесдингиз, мен эса у билан узок вақтдан бери бирга яшайман. У фахш ишдан бош тортди, мен унга буюрган ишни қилмасам, у жазоланишини айтдим. Менга итоати ва мухаббати йўқлиги учун унга жазо тариқасида қамокка олисин».

### Менга қамок яхшироқдир

Юсуф (алайхиссалом) маликанинг гапирган гапларини эшитиб шундай деди: «**Эй Роббим, улар мени қорлаётган нарсадан қўра мен учун қамок махбуброқдир**»

Эй кичик укаларим, у ҳаромга яқинлашмаслик учун қамокни танлади. Малика эса дарҳол эрининг олдига келди ва бу қулни қамокка олишини талаб қилди. Эри унинг барча буйруқларига итоат қилар эди.

Шундай қилиб, сокчилар Юсуфни қамокка оладилар. Юсуф (алайхиссалом) қамокка қирди. Албатта, у гуноҳ ҳам, айб ҳам қилмаганди. Лекин малика фахш ва мунқар ишга

рози бўлмаган бу шарафли кулга нисбатан ўзининг гаразини ва ичидаги аламини қандай кетказсин? Унинг гунохи – солих, такводор ва Аллохга иймон келтирган мўмин бўлгани ҳамда ёмон ишларни ёқтирмаслиги эди. Охири, барибир, уни поклиги учун камокка олдилар.

## **Икки йигит**

Камокка кириб ... нисахат киладиган ва хидоятга чакирадиган ва у билан бирга иймон келтирадиган одамларни топиб олди. Албатта, бу ажойиб фурсат эди. Иймон билан бўлган камок нақадар ажойиб! Куфр билан бўлган қаср нақадар ёмон! У билан бирга икки йигит ҳам камокка кирди ва унга яқин жойга ўтиришди ҳамда Юсуфнинг солихлиги ва таквосига гувоҳ бўлдилар. Бир сафар улар эрталаб уйгондилар, улар икковлари ҳам туш кўрганди, шунда улар Юсуф томон шошилдилар. Биринчиси деди: «Мен ўзимни узум мевасини ташиб юрганганимни кўрдим». Иккинчиси деди: «Мен бошимда нон кўтариб юрибман, кушлар ундан еяпти». Сўнгра икковлари шундай дедилар: «Эй солих бўлган Юсуф, биз тушимизда кўрган нарсалар

д  
ан сен нимани тушунапсан?»

## **Бу – менинг имкониятим**

Юсуф камокдагилар уни яхши кўришларидан қувонди, лекин у икки дўстга кўрган

тушлари хакида эмас, иймон хакида гап бошлашни хохлади. Даъватини шархлаш учун бу фурсатни ганимат билиш керак эди. Мана, у икковларига шундай дейди: «Мен Аллохга иймон келтирганман, мен бутларга куфр келтирдим ва оламлар Роббиси бўлган Аллохга таслим бўлдим, эй дўстларим, буларнинг кай бири яхши? Аллох эмасми? Бутун борлик ва инсониятнинг Роббиси эмасми? Эй (икки) йигитлар, албатта, мен Аллохнинг одамларга юборган элчисиман. Мен сизларга иккинги кўрган нарсангизни, албатта, изохлаб бераман, Аллохнинг изни ила хакикат бўлиб чиқади, мен ростгўйман (яъни тушингизни таъвил килганим рост бўлиб чиқади, мен ёлгончи эмасман). Биринчи туш билдирадики, унинг эгаси айбсиз бўлиб чиқади ва подшоҳга узум шарбатини етказиб беради (яъни биринчи тушни кўрган йигит камокдан окланиб чиқади ва подшоҳга хос хизматчилардан бўлиб, узум шарбатини етказиб беради). Иккинчисининг сохиби эса осиб ўлдирилади.

## Эътироф этиш

(айбини тан олиш)

Юсуф айтганидек, биринчиси окланиб чикди, чикиб кетишидан олдин Юсуф унга ўзининг мазлум бўлиб колганини подшоҳга етказишни айтган эди, лекин у бунини унутиб юборди. Хеч эсламади-ю, факат бир неча йиллардан кейин подшоҳ бир туш кўриб таъвилини талаб килганида, камокдаги Юсуф тушларнинг ва орзуларнинг таъвилини билишлигини эслади. Масала хал бўлди, мазлум Юсуф подшоҳнинг тушини таъбирлади. Шунда подшоҳ ажабланади ва Юсуфни афв қилиниб озод этилишини талаб қилади. Бу ишни бир аскарга буюради, лекин Юсуф айбсизлиги исботланмагунча чикишдан бош тортади. Шунда малика ўз айбини тан олади: «Хакикатан хам, у айбсиздир, мен эса гунохкорман, мен уни фахш ишга чакирганимда у бош тортди, шунда унга душманлик қилиб зулм ила уни каматдим».

## Хазина вазири

(хазинабон)

Бу буюк (чиройли) ахлоқ ва ажойиб сифатлар ва подшоҳнинг тушини изохлашдаги аниклик сабабидан подшоҳ уни сийлаб, мол-мулклар хазинасини унга берди (яъни ушбу лавозимга уни тайинлади). Унинг додруги кўшни шаҳарларга ҳам ёйилди, одамлар унинг олдига тижорат ишлари билан кела бошладилар, келганларнинг орасида акалари ҳам бор эди. Унинг олдига келганларида уларни таниди, улар эса танимадилар, уларни чиройли меҳмон килди ва уларга шундай деди: «Хозир сизлар билан бирга келмаган уқангизни олиб келсангиз, сизлар истаган барча шартингизни бажараман (яъни сўраган нарсангизни бераман)». Улар дедилар: «Унинг отаси олиб келишимизга рухсат бермайди. Бу – кийин талаб, лекин биз уни кўндиришга ва уни сенга олиб келишга ҳаракат киламиз». Улар қайтиб оталарига буни айтганларида, ота аввал бош тортди, лекин буюмларини очиб караганларида уларнинг барча моллари қайтарилганини, Юсуф уни олмаганини кўрди, ота бу тавсия ва аҳдга мувофиқ ўглини акалари билан юборишга рози бўлди. Қарвон етиб келди, Юсуф (алайхиссалом) хурсанд бўлиб янги келган укасига факат ўзига эшиттириб шундай деди:

«

**М**  
**ен сенинг акангман!**

»

(мен Юсуфман, кўркма, сени ўзим билан олиб қоламан.) Сўнгра акаларини кетиш учун тайёрлади ва подшоҳнинг сув идишини укасининг буюмлари ичига солиб кўйди. У тинтувни талаб килди, сокчилар идишни янги уқанинг буюмлари ичидан топдилар, (буларнинг барчаси Мисрда Юсуф билан бирга қолиши учун эди). Акалар ҳеч нарсани тушунмай хафа бўлдилар, катталари шундай деди: «

М

ен сизлар билан бирга отамизнинг олдига бормайман, бориб отангизга бўлиб ўтган воқеани айтинглар: «Ўглинг ўғрилиқ килди», деглар.

**Огир маҳзунлик**

Ўгиллари оталарига бўлган ишларни айтдилар ҳамки, унинг кўзлари йигидан ва махзунликнинг огирлигидан кўр бўлди. У Юсуф ва унинг укаси учун йигларди. Сўнгра болаларига шундай деди: «Мен Аллохнинг раҳматида ноумид бўлмайман, Мисрга боринглар, Юсуф ва унинг укасини изланглар». Ака-укалар бу ишни килдилар, Мисрга келдилар ва оталарининг воқеасини Юсуфга сўзладилар (улар шу вақтга қадар ҳам уни танимаган эдилар). Шунда Юсуф уларга (ўзи хақида) эслатиб шундай деди: «Ўтган вақтда (яъни бундан олдин) Юсуф исмли уқангизга нима килганингизни унутдингизми?» Улар унинг юзига қарадилар ва ундан ажабланиб бир овоздан шундай дедилар: «**Э-э, хали сен Юсуфмисан?!**

»

Юсуф шошилиб ха,

«

**Мен Юсуфман, мана бу – иним. Аллох бизга марҳамат кўрсатди. Хақиқатда ким такво ва сабр килса, Аллох, албатта, гўзал иш килувчиларнинг ажрини зое килмагай**

»

, деди.

## Учрашув

Ундан узр сўраб кечирешини сўрадилар, у кечирди. Уларга отасининг шифо топишига сабаб бўлиши учун қўйлагини берди ва деди: «Ўзингиз билан бирга бутун оилангизни олиб келинг (яъни барчангиз жам бўлиб бу ерга келинглар)». Оталарининг олдига келиб қўйлакни берганларида унинг кўз нури қайтиб, ожизлик ундан кетди. Улар оталаридан ҳам кечирим сўрадилар, ота ҳам уларни кечирди ва хаммалари Мисрга йўл олдилар. Шунда Юсуф ота-онасини тахтга ўтказди, акалари эса унинг қўллари остида бўладилар, унинг ёшлигида кўрган туши хақиқатга айланади. Шу пайт Юсуф дуо килди:

«

**Эй Роббим, хақиқатда менга мулк бердинг ва менга тушларнинг таъбирини**



**ўргатдинг. Эй осмонлару ерни яратган Зот! Сен дунёю охиратда менинг валийимсан. Мени муслмон холимда вафот этдиргин ва солихларга кўшгин»**

(Ушбу оятда Юсуф (алайхиссалом) Аллох таолога неъматларини бергани учун шукрлар айтиш билан бирга охиратнинг неъматини ҳам беришини сўрамоқдалар.)

**Бу гайб хабарлардан бўлиб, уни сенга вахий килмоқдамиз. Улар макр килиб, ишлари хакида гап бириктирганларида олдиларида бўлмаган эдинг».**

Сизга салавоту саломлар бўлсин, Эй саййидимиз Юсуф! Сизга канчалар зулм килганларида ҳам сиз кўтара олдингиз, сиз карим Пайгамбарсиз ва карим пайгамбарларнинг фарзандисиз. Сиз Аллохнинг динини кутқаришда (ўз уйингизда ҳам, касрда ҳам, камоқда ҳам) жон фидолик килгансиз. Биз ҳам сиз каби буюк ахлоқ ва солих амаллар эгаси бўлишимиз лозим, эй Расулulloх! Аллох рост сўзлади: **«Аллохга даъват килган, солих амалларни килган ва «Албатта, мен муслмонларданман!» деган кишидан ҳам гўзал сўзли ким бор?!**

»

Албатта, ундан яхшироқ сўзловчи ҳеч ким йўқдир, албатта, биз муслмонмиз. Биз ўз Исломида собит кадам бўлган муслмонлардан эканимиз билан доимо фахрланамиз, оламлар Роббиси бўлган Аллохга ҳамд бўлсин!!!